O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV. №
202091




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 6 январь, № 4 (4667) Сешанба


# ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

## аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва уни мустаҳкамлаш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда

Саломатлик

***Истиқлол йилларида мамлакатимиз Президенти бошчилигида барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Эл саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган ушбу эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида тиббий муассасалар фаолияти тубдан такомиллаштирилди.***

Хусусан, бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида ихтисослаштирилган тиббиёт масканлари фаолият юритмоқда ва улар энг замонавий даволаш ҳамда ташхис ускуналари билан жиҳозланганлиги боис, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга эришилаётир.

2008 йил бошида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия марказининг Хоразм вилояти филиали ўз фаолиятини бошлаган эди. Мазкур марказ 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўтган фурсат мобайнида бу ерда 1300 нафар бемор дардига шифо топди.

— Марказимиз 16 турдаги кўз касалликларини даволашга ихтисослаштирилган, — дейди муассаса шифокори Ойбек Собиров. — Жарроҳлик ва муолажа хоналаримиз Германияда ишлаб чиқарилган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Қолаверса, бу ерда юксак малака ва тажрибага эга бўлган мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Беморга аниқ ташхис қўйиш ва тўғри даво қўллаш биз, шифокорларнинг асосий вазифамиздир. Шу боис ҳамиша изланишдамиз, пойтахтдаги ҳамкасбларимиз ҳамда хорижлик мутахассислар билан мунтазам ва мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Тиббиётдаги янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлиш, тажрибали ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба алмашиш жараёнида бундай изчил ҳамкорлик алоқаларимиз қўл келмоқда.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Бухородаги «Газли» компрессор станцияси мамлакатимиз газ саноатида муҳим ўрин тутади. Қиш мавсумида шимолий йўналиш бўйича узатиладиган барча газнинг асосий қисмини мазкур станция етказиб беради.***

### Станция имкониятлари ортмоқда

Яқинда «Zeromax» компанияси ташаббуси билан бу ерга янги технологиялар олиб келиниб, станция қайта жиҳозланди. Эндиликда унинг имкониятлари кенгайиб, нафақат мамлакатимиз шимолий ҳудудлари ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини газ билан таъминлаш, балки «зангори олов» экспорти ҳажмини оширишга ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз.

**М. ҲАЙДАРОВ.**

***Урганч шаҳридаги "BRUQQ" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Корхонада 239056,5 минг сўмлик нон ва нон маҳсулотлари тайёрланди.***

### Қўшимча 35 та иш ўрни

— Янги йилга мўлжаллаган режаларимиз кўп, — дейди корхона раҳбари Қудрат Бобожонов. — "Ипотекабанк"нинг Хоразм вилояти филиалидан олган 50 миллион сўм кредит ҳисобидан замонавий дастгоҳлар ўрнатиб, макарон ва яхна ичимликлар тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Шу муносабат билан қўшимча 35 та янги иш ўрини яратилиб, 10 нафар касаначи ҳам ишга жалб этилади.

**К. ЎРОЗИМБЕТОВ.**

***Нукусдаги Рассомлик ва амалий санъат лицейи ўқувчилари Меҳрибон Нураддинова, Ойнура Сапакева ва Бибиноз Қаипова Ҳиндистонда ўтказилган Шанкар жаҳон болалар ижодиёти фестивалида ўз асарлари билан иштирок этиб, кумуш медал соҳибларига айланишган эди.***

### Лицей ўқувчилари фестиваль ғолиби

Янги йил тантаналари давом этаётган шу кунларда ушбу даргоҳда Ҳиндистонда бўлиб ўтган фестиваль ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар лицей ўқувчиларининг ютуғи давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг самараси эканлигини алоҳида таъкидладилар.

**Ш. ЗАЙНИЕВА.**

***Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда 2002 йили Президентимиз ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши спортни янада оммавийлаштиришда муҳим қадам бўлди, деб айтиш мумкин.***

### Совғага — спорт зали

Куни кеча Тахтакўпир тумани марказида яна бир замонавий ёпиқ спорт зали фойдаланишга топширилди. Мажмуани барпо этишга Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 150 миллион сўм сарфланди. Бу ерда спортнинг волейбол, енгил атлетика, шахмат-шашка, кураш, мини-футбол каби ўнлаб турлари билан шуғулланиш имконияти мавжуд.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Биз ва жаҳон

Янги йил тантаналари давом этаётган шу кунларда Лондон шаҳри марказидаги Қироллик мусиқа академиясида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ёш мусиқачиларининг «Equipes de Sogdiana — 2» («Суғдиёна гуруҳлари — 2») деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди.

## Ёш мусиқачиларнинг Лондондаги концерти

Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонаси иштирокида ташкил этилган ушбу тадбирда Британиянинг расмий, маданий жамоатчилик ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди. Буюк Британия маданий доираларидаги таниқли санъат арбоби Накако Ватанабе хоним концертнинг ижрочи продюсери бўлди.

Ўзбекистондан мазкур дастурда уч нафар пианиночи — ака-ука Нурон ва Науфал Муқимий ҳамда Нафис Умарқулова иштирок этишди. Концертга ташриф буюрган томошабинлар бир овоздан юртдошларимизнинг истеъдоди ва ижро маҳорати қатнашчилар орасида алоҳида ажралиб турганини эътироф этишди. Ўзбекистонлик мусиқачилар томонидан Иоганн Себастьян Бах (Токката), Ференц Лист («Хоровод гномов» концертидан этюд), Александр Скрябин (Соната-фантазия №2), Клод Дебюсси («Гренадада оқшом» ва «Ёмғир остидаги боғлар») каби буюк композиторларнинг асарлари маромига етказиб ижро этилди.

Ёш пианиночиларимиз Тошкентдаги Успенский номли Республика ихтисослаштирилган мусиқий академик лицейи битирувчилари бўлиб, ҳозирги кунда Қироллик мусиқа академияси ҳамда Британиядаги етакчи халқаро мусиқа мактабларидан бири бўлган «Purcell Scholl of Music»да таҳсил олишмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ҚУДРАТЛИ ТАЯНЧ

***Мустақилликнинг дастлабки йиллари, аниқроғи, 1993 йилнинг май ойи эди. Президент девонидаги мўъжазгина Қабуллар уйида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг бир гуруҳ ижодкорлар билан суҳбати бўлиб ўтди.***

***Ўша кунлар мамлакатда вазият анча мураккаб, инқирозга юз тутган иқтисодни тиклаш, аҳолини нон ва энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ошкора таҳдид солиб турган минг бир хатарнинг олдини олиш керак эди. Очиғи, ижодий суҳбат кўнгилга сиғадиган пайт эмасди.***

Мана энди, йиллар ўтиб, ғалвир сувдан кўтарилганда, у хотирали мулоқотнинг қадри, маънавият ва мафкура мавзусидаги баҳснинг аҳамияти яққол аён бўлади.

Ўша суҳбат иштирокчилари Юртбошимиз сўзларини ҳали-ҳамон эслаб юрадилар:

*— Ҳукмрон мафкура энди йўқ. Лекин мафкурасиз жамият бўлмайди, мафкурада эса бўшлиқ бўлмайди. Маърифат эгалламаган онгни жаҳолат эгаллайди.*

*— Иморат қанча баланд қуриладиган бўлса, пойдеворни шунча чуқур олиш керак бўлади. Биз бугун янги, замонавий, демократик жамият асосларини қурмоқдамиз. Илғор давлатлар тажрибаси бизга асқотади. Лекин биз қуражак иморатнинг пойдевори ўзимизнинг азалий қадриятларга қурилса, дейман. Ота-боболаримиз минг йиллар давомида яратган, халқ қалбидан чуқур жой олган маънавий фазилатлар асос бўлса, дейман...*

*— Иқтисодни тиклаш, шаҳар-қишлоқларни обод қилиш ақл ва тадбир билан, ғайрат ва ҳамжиҳатлик билан амалга ошадиган ишлар. Лекин одамлар онгини ўзгартириш, янгича дунёқарашни сингдириш мушкул ва мураккаб, узоқ йилларни талаб қиладиган иш. Ана шу ишда сизларнинг ёрдамингиз керак бўлади.*

Мутолаа ва мушоҳада

Бу сўзларнинг айтилганига ўн беш йилдан ошди. Мамлакатимиз бу вақт орасида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Юрт бошқа, тафаккур бошқа, маънавий қадриятларга муносабат бошқа бўлди. Биз кўрмасак, келажак авлодларимиз кўрар, дея қилган хаёлларимиз рўёбга чиқди. Ўзбекистон дунёга танилди, ўзбек халқи эгилган қаддини баланд кўтарди.

Агар ўн беш йил илгари биров биздан, орадан кўп ўтмай Москванинг марказида, Токионинг энг сўлим гўшасида бобомиз Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилади, уларнинг очилишида иштирок этасан, деса ишонармидик? Бельгияда Ибн Сино, Мисрда Аҳмад Фарғоний, Латвияда Мирзо Улуғбек сиймоларини кўриш хаёлимизга сиғармиди? Юртнинг бугунги кўрки, бўй-басти, обрў-эътиборини тўлиғича тасаввур этганмидик?

Буларнинг ҳаммаси тинч тараққиётимизни, бунёдкорлик ишларимизни таъминлаб берган оқил сиёсат, биринчи қадамлардан тўғри танланган йўл, эришилган мувозанат натижасидир. Бу эса осонлик билан бўлмаган.

Ўша долғали кунларда, халойиқ турли-туман гуруҳлар қутқуси билан кўчаларга чиққанда, зўравон мафкура қулаб, унинг ўрни ҳувиллаб қолганда миллатни бирлаштирувчи қудратли ғоя керак эди. Ана шундай мушкул ва мураккаб муаммо қаршисида давлатимиз раҳбари ягона ва энг тўғри йўлни тутди. У миллатнинг асл қадриятларига суянди. Халқ табиатида азалдан мавжуд бўлган, етмиш йиллик тазйиқ барбод қилолмаган имон-эътиқод, диёнат, меҳр-оқибат каби маънавий асосларни янги жамиятнинг буюк таянчига айлантирди.

Бу эзгу ва пок қадриятлар ўзининг миллий ва умуминсоний хусусиятлари билан, ҳеч бир дин, ҳеч бир мафкура инкор этиши мумкин бўлмаган чуқур ҳаётий асоси билан кўп миллатли, турлича эътиқодли жамиятни бирлаштирган халоскор қудрат бўлди.

"Юксак маънавият – енгилмас куч". Муҳтарам Президентимизнинг шу ном билан аталган китобини мутолаа қиларканман, мустақил Ўзбекистоннинг яқин тарихи

(Давоми 2-бетда).

# БАРЧАМИЗНИНГ ОМАДИМИЗНИ БЕРСИН

***Ҳар гал Янги йил байрами дастурхони атрофида бутун оила жам бўлиб, Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган табригини интиқлик билан кутамиз. Чунки унда якунига етган йилда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва янги режалар хусусида атрофлича сўз юритилади. Уларни эшитиб, эртанги кунга бўлган ишончимиз янада ортади.***

Мана, 2008 йил ҳам ортда қолди. Юртбошимиз табригида таъкидланганидек, ниҳоясига етган йил мамлакатимиз учун осон кечмади. Айниқса, йил давомида заҳматкаш деҳқонларимиз ўзига хос жиддий синовни бошдан кечиришди. Қаттиқ қурғоқчилик, сув танқислиги, буларнинг барчасини енгиб ўтиш учун катта куч ва имкониятларни сафарбар этишга тўғри келди. Эътиборли жиҳати шундаки, ер эгаларига мана шундай машаққатли дамларда давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари, йўл-йўриқлари далда бўлди.

Ўзимиздан қиёс. Айни ёз чилласида гармселли кунлар ва сув тақчиллигини бошимиздан ўтказдик. Қандай бўлмасин, қийинчиликларни енгиб ўтишга аҳд қилдик. Қарангки, ниятимиз холис экан, қилган меҳнатларимиз зое кетмади.

Дил сўзи

Пахта ва ғалладан 70 миллион сўм даромад олдик. Шунинг нақд 30 миллиони соф фойдани ташкил этди. Имтиёзли кредитдан фойдаланиб, янги трактор харид қилдик. Ушбу натижалар кўнглимизга таскин беради.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилини катта ҳаяжон билан қарши олдик. Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригида айтиб ўтилганидек, мазкур йилда, аввало, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги уй-жойлар, йўл ва коммуникация тармоқларини қуриш ва янгилаш, аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, одамларимизнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим тизимини мустаҳкамлаш ва шу каби қатор эзгу ишлар амалга оширилади. Бундай ният ва режалар, ўйлайманки, юртимиздаги барча қишлоқ аҳлини қувонтириб, уларнинг кайфиятини, руҳини янада кўтарди. Чунки Истиқлол туфайли, Президентимизнинг оқилона сиёсати боис олис ҳудудларга ҳам давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда. Демак, шундай хайрли амаллар рўёби учун ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилмоғимиз, мамлакатимиз тараққиёти учун ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Ниятимиз — 2009 йилда барчамизнинг омадимизни берсин!

**Раъно ВАЛИЕВА,**
**Қизилтепа туманидаги «Валиобод» фермер хўжалиги раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## САВДО ХИЗМАТИ КЕНГАЙМОҚДА



Бир рақам шарҳи



**2006-2008**

йиллар мобайнида мамлакатимизда

**6** *мингдан зиёд янги савдо шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

***Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган ана шу тадбирлар, ўз навбатида, жойларда аҳолига замонавий, сифатли хизматлар кўрсатиш, соҳанинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш, қўшимча иш ўринларини яратиш имконини берди.***

## «Жаҳон» ахборот агентлигининг хабари

Ўзбекистон жамоатчилиги Фаластин — Исроил можаросини тинч йўл билан ҳал этиш жараёни ва Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштириш истиқболларини издан чиқараётган Ғазо секторидаги танглликнинг авж олаётганидан жиддий хавотирга тушмоқда.

Ғазо секторидаги кескин қуролли тўқнашувлар кўплаб инсонларнинг қурбон бўлишига ва гуманитар инқирозга олиб келди. Можарони куч ишлатиш йўли билан ҳал этишнинг ҳеч қандай истиқболи бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон жамоатчилиги низолашаётган томонларни ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга ва мавжуд келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этишга чақиради.

(Давоми. Боши 1-бетда).

бир-бир кўз олдимдан ўтди. Негаки, китобда тасвир этилган ҳодисаларнинг кўпига ўзим шоҳид бўлганман, баён қилинган фикрларнинг кўпини муаллифнинг ўз тилидан эшитганман. Улар кеча ё бугун пайдо бўлган фикрлар эмас, балки йиллар давомида йиғилган, жаҳоншумул воқеа ва ҳодисаларга муносабат сифатида, замона кўндаланг қўйган оғриқли саволларга жавоб тариқасида туғилган мулоҳазалардир.

1989 йил октябрининг шукуҳли онлари ёдимдан чиқмайди. Ўшанда Ватан мустақиллиги йўлидаги илк дадил қадам қўйилган — "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинган эди. Қонунни тайёрлаш жараёнида иштирок этиб, кескин баҳс ва тортишувларга гувоҳ бўлганман. Ҳали эски тузум таъсиридан қутулмаган бир гуруҳ арбоблар ўзбек тилининг давлат тили бўлишига очиқдан-очиқ қарши турдилар. Яна бир гуруҳи "Давлат тили деб рус ва ўзбек тиллари эълон қилинсин", деган талабни олға сурдилар. Бу мазмундаги қонун лойиҳасини матбуотда муҳокама учун чоп этдилар.

Шундай мураккаб вазиятда республикамиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзбек тилининг давлат мақомини дадил ҳимоя қилган ва юртимизнинг кўп миллатли эканини ҳам ҳисобга олиб, бағрикенглик асосида мукаммал ва мувозанатли қонун тайёрлаш ишига бош бўлган эди.

Жасорат ва донишмандликнинг уйғунлиги бўлган бу қонун моҳиятини ўша кезлари англамаганлар кейинроқ тушуниб етдилар. Ўзбекчани билмаганга Ўзбекистонда жой йўқ, дея ҳайқириб юрганлар ҳам ҳовуридан тушдилар.

# ҚУДРАТЛИ ТАЯНЧ

Миллат қаддини кўтарган ва юртни кўплаб можаролардан, нодир мутахассисларнинг кетиб қолишидан сақлаган ўша тарихий ҳужжат Юртбошимиз раҳбарлигида яратилган миллий қонунчилик мактабининг дастлабки намуналаридан бири эди.

1994 йил 22 сентябри. Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис минбаридан айтган дардли сўзлари ҳали-ҳамон ёддан кўтарилмаган:

*" — Ўзингиз ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, мустабид тузум, мустамлакачилик даврида биз ким эдик?*

*— Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?*

*— Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг "Ассалом!.." деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?"*

Айни ўша кунларда собиқ империяни қайта тирилтириш ҳаракати бошланиб кетган, айрим давлат ва жамоат арбоблари турли шакл ва турли номда шўро давлатини тиклаш таклифини олға сурмоқда эдилар.

Юртбошимизнинг ёркин ва таъсирли сўзлари, қатъияти ҳаммамизда танлаган йўлимиздан ортга қайтиш йўқ, деган ишончни мустаҳкамлаган эди.

Мустақиллик бизга ҳуррият, ўз тақдиримизга эгалик ҳуқуқи баробарида маънавий аслиятимизни қайтариб берди. "Халқ учун афюндир" дея ҳукм ўқилган динимиз яна маънавий қадриятга айланди, номларини айтиш қатағон бўлган Имом Бухорий, Соҳибқирон Амир Темур, ижоди "реакцион" саналган улуғ шоиру алломаларимиз, руҳлари қувғин бўлган аждодларимиз Ватанга қайтдилар.

*"Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз".* Бу ҳаққоний сўзларни мамлакатимиз раҳбарининг ўз фаолиятига, жамиятни янгилаш йўлида амалга ошираётган ишларига тўла-тўкис татбиқ этиш мумкин.

Ҳинд халқининг улуғ фарзанди, Ҳиндистоннинг биринчи давлат раҳбари, мамлакат мустақиллигини эълон қилган Жавахарлаъл Нерунинг "Жаҳон тарихига бир назар" деб аталган китоби бор. Ўттизинчи йиллар бошида ёзилган. Гарчи у қизи Индирага мактублар шаклида ёзилган бўлса ҳам, аслида, барча ҳинд ёшларига, балки бутун жаҳон халқларига мурожаат эди. "Дунё тарихини бил, ўзлигингни тани, мустамлакачилик моҳиятини англа, сен — озод инсонсан", деган хитоб эди.

Ҳар бир халқ тарихининг масъулиятли бурилиш нуқталарида огоҳликка чорловчи шундай китобларга эҳтиёж пайдо бўларкан. Бундан ўн йил аввал жаҳон юзини кўрган "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" ана шундай асар эди. Президент Ислом Каримовнинг қўлимиздаги янги китоби асрнинг яна бир машъум хатари, балки қурол, оташ балоларидан ҳам даҳшатлироқ бўлган жаҳоншумул маънавий хуруждан огоҳ қилувчи нидодир.

Қарангки, Нерунинг мактублари ёзилганида, Индира Ганди ўн етти ёшда экан. Бугун Истиқлол йилида туғилганлар ўн еттига тўлиб, ота ўгитлари битилган китобни қабул қилиб олдилар.

Яхши китобни ўқиб тугатган киши, одатда, яйрадим, маза қилдим, роҳат топдим, дейди.

Лекин шундай китоблар борки, уларни мутолаа қилсанг, аксинча, оромингни йўқотасан. Улар сени ўйлашга, фикр юритишга мажбур қилади. Кўнгилга юрт ғамини, миллат қайғусини солади.

Англаган кишига бундай қайғу минг китоб роҳатидан афзалдир.

"Юксак маънавият — енгилмас куч" ана шундай нодир китоблар сирасига киради. Уни тагзаминига етиб ўқиган ҳар бир инсон ўзига саволлар беради. Шу заҳматкаш халқим учун, курашларда қўлга киритилган Истиқлол учун, келажагини қураётган юртим учун мен нима қилдим, дея ўзидан сўрайди. Бурч туйғуси, қарздорлик ҳисси унга тинчлик бермайди.

***Ҳуррият — ор-номус, нафсониятдир,***
***Қадрин билган элга мангу ниятдир.***
***Ҳурриятнинг ўзи тайёр бахт эмас,***
***Бахт учун энг буюк имкониятдир.***
***Ҳурриятга ишонч, саботинг керак,***
***Журъатинг, парвозинг, қанотинг керак.***
***Ватан ҳуррияти учун ҳамиша***
***Фидоликка тайёр ҳаётинг керак.***

**Эркин ВОҲИДОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.**

# САНОАТИМИЗ УСТУНЛАРИ

***— ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий тараққиёт гаровидир***

Президентимиз Ўзбекистон халқига Янги йил табригида "...Янги йил Ўзбекистон учун мамлакатни изчил ривожлантириш ва модернизация қилиш, бошлаган ислоҳот ва ўзгаришларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш йили, молиявий инқирозларга қарши самарали дастурларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш... йили бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор", дея қатъий ишонч билдирди.

**Муносабат**

Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш корхоналари саноатимиз устунлари бўлиб, улар иқтисодий тараққиёт гаровидир. Шу боис мамлакатимизда янги корхоналарни бунёд этиш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Якунланган йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикамизда 284 та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, озиқ-овқат саноатида 112 та, енгил ва тўқимачилик саноатида 39 та, қурилиш материаллари саноатида 61 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 39 та, кимё ва нефткимё саноатида 8 та, машинасозлик соҳасида 5 та объект фойдаланишга топширилгани шундан далолат беради.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган "Вимм-Билл-Данн" корхонаси — шулардан бири. У россиялик сармоядорлар инвестицияси асосида ташкил этилган.

— Ҳозирги кунда ўттиз икки турдаги сут маҳсулотларини ишлаб чиқараяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда шу корхонанинг таъминот бўлими бошлиғи Улуғбек Жабборов. — Зеро, аҳолини бундай сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, уларнинг турларини талаб даражасида кўпайтириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу боис биз доимий изланишдамиз. Янги йил арафасида янги маҳсулотларимиз — стирилланган сут ва мева шарбатлари ҳам эл дастурхонига етказиб берилгани ана шу изланишларимиз самарасидир. Муҳими, бу ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сонини яна олтитага кўпайтириш, экспорт имкониятини яратиш имконини берди.

Бугун ушбу корхона маҳсулотларидан нафақат Тошкент аҳли, балки Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятлари истеъмолчилари ҳам баҳраманд бўлаётир. Яқин кунларда эса, сут маҳсулотлари ва мева шарбатлари Туркманистон, Тожикистон ва Қозоғистон сингари қўшни мамлакатларга ҳам экспорт қилинади.

Жамоада бир юз олтмишдан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар томонидан бир кунда ишлаб чиқарилган ўттиз тоннага яқин тайёр маҳсулотни беш юз олтмишдан зиёд савдо шохобчаси ва тадбиркорлар қабул қилиб олаяпти.

Хом ашё — сут ва меваларни етказиб берувчилар маҳаллий тайёрловчилардир. Яъни, корхона маъмурияти Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларидаги 42 та фермер хўжалиги ва кўплаб якка тартибдаги тадбиркорлар билан ўзаро тузилган шартномалар асосида иш юритмоқда.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида, Юртбошимиз таъкидлаганидек, қишлоқ жойларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар барпо этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолисини, аввалambор, ёшларни иш билан таъминлаш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бундай кенг кўламли вазифаларнинг ижроси эса, пировардида, юртимизнинг янада равнақ топиши, аҳоли фаровонлиги юксалишига хизмат қилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улар Европанинг қатор давлатлари, АҚШ ва Россиядаги турли мусиқа анжуманларида муваффақиятли иштирок этишган.

# Ёш мусиқачиларнинг Лондондаги концерти

Концертдан сўнг ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Накако Ватанабе хоним мазкур тадбирнинг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад, Марказий Осиё давлатларидаги ёш авлод вакилларининг имконият ва истиқболларини британиялик мусиқа ихлосмандларига намойиш этишдан иборат бўлганини таъкидлади. «Мусиқа чегара билмайди, у халқлар ўртасидаги мулоқот воситасидир. Шу боис ҳам мана шу каби тадбирларни ташкил этиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга, — деди Ватанабе хоним. — Ўзбекистонлик ёш мусиқачилар бугун ўзларининг нақадар юксак маҳорат эгалари эканини намойиш этишди. Уларнинг келажаги порлоқ эканига ишончим комил».

Лондондаги Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактабининг профессори Ширин Акинер хонимнинг сўзларига кўра, унга Нурон Муқимийнинг ижроси, айниқса, маъқул келди. «Нурон эндигина 12 ёшда бўлишига қарамай, Баҳнинг мураккаб мусиқий асарларини моҳирона ижро этгани мени ҳайратга солди, — дейди Ш. Акинер хоним. — Ўзбекистон ҳукумати ёш авлод вакиллари мусиқа ва санъатнинг кўплаб турларида ўз қобилиятини намоён этишини қўллаб-қувватлаб келаётгани таҳсинга сазовор. Ёш авлодга бўлган эътибор, бу — мамлакат келажагига йўналтирилган бебаҳо сармоя бўлиб, айнан мана шу эътибор ўз санъати билан келажакда бутун дунёни ҳайратга соладиган Нурон Муқимий каби ёрқин истеъдодли мусиқачилар авлодининг юзага келишига хизмат қилади».

Концерт ижрочиларидан бири, «Purcell Scholl of Music» мусиқа мактаби ўқувчиси Науфал Муқимий Ўзбекистон санъатини Британия ва Европанинг бошқа давлатларида намойиш этиш ўзи учун улкан шараф эканини таъкидлади. «Британияда таҳсил имкониятини бергани учун Ватаним олдида таъзим қиламан. Ўзимга билдирган ишончни оқлашга ва мусиқа соҳасининг юксак чўққиларини забт этишга астойдил ҳаракат қиламан», деди Н. Муқимий.

**«Жаҳон» АА.**
Лондон

# КОЛЛЕЖДАН — КОРХОНАГА



***Мамлакатимиз Президентининг ёшларимизга бевосита ғамхўрликлари ҳаётимизнинг барча жабҳаларида яққол сезилмоқда. Айниқса, ёшларнинг замонавий коллежларда ўқишлари ва малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.***

Янги йил арафасида Норин туманидаги 60 нафар коллеж талабасининг янги иш ўрни билан таъминланганлиги ҳам ана шундай хайрли саъй-ҳаракатларнинг натижасидир. Қўрғонтепа қишлоғида иш бошлаган "Ҳаққ-текс" масъулияти чекланган жамиятига қарашли тўқув ва тикув цехи ана шунча норинлик ёшларни ўз бағрига олди.

— "Ҳамкорбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан берилган 52 минг АҚШ доллари сармоямиз асоси бўлди, — дейди жамият директори Мухторжон Тўраев. — Туркиянинг "Erkol tekstil makinalapi" компанияси билан шартнома туздик. Натижада 9 та тўқув ва тикув дастгоҳидан иборат бош линия олиб келиниб, ўрнатилди.

Табиийки, етарли малакага эга бўлма-

**Модернизация**

ган йигит-қизларнинг касб-маҳоратини оширмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Ана шу борада корхонага республика Ташқи меҳнат миграция масалалари агентлигидан рўйхатдан ўтган хорижлик ишбилармонлар ишга таклиф этилди. Айни чоғда цехда ҳар куни 1000 тага етказиб болалар трикотаж кийимлари тайёрланмоқда. Янги йилда эса аёллар, эркаклар учун яна йигирма турдаги кийим-бош тикиш кўзда тутилган.

Бир-биридан бежирим бу маҳсулотларга тез орада харидор ҳам чиқа қолди. Айни кунларда Россия, Қирғизистон, Қозоғистон давлатлари вакиллари корхона маҳсулотлари билан қизиқишмоқда. Бу эса "Ҳаққ-текс"нинг ўз маҳсулотларини чет элга экспорт қилиш имкониятлари пайдо бўлаётганидан далолат беради. Ҳа, истиқлол нуридан баҳраманд авлод бугун нафақат ўқишда, балки меҳнатда ҳам ўз салоҳиятини намойиш этмоқда.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ.**
**СУРАТДА:** тикув цехида иш қизғин.
Наманган вилояти

***Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг 2008 йил якунларига бағишланган он-лайн конференцияси ўтказилди.***

# САМАРАЛИ ИШЛАР САРҲИСОБИ

Унда юртимиз маданияти ва санъати намояндалари ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари қатнашиб, интернет орқали келиб тушган икки мингдан зиёд саволларга жавоб қайтаришди.

Шуни айтиш жоизки, жамғарма кейинги беш йил мобайнида миллий маданиятимиз тарғиботчиси сифатида халқаро майдонда кенг танилишга улгурди. Шу даврда миллий меросимиз, анъаналаримизни асраб-авайлаш ва тарғиб қилишга йўналтирилган қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди. Айниқса, бу борада Форумнинг ўтган йили Британия Кенгаши, Швейцария ҳамкорлик Кенгаши, Сун Цинлинь номидаги Хитой жамғармаси билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганлиги диққатга сазовордир.

**Анжуман**

Анжуманда таъкидланганидек, якунланган йилда жамғарма ташаббуси билан 205 та йирик лойиҳа рўёбга чиқарилди. Булар орасида "Навқирон Ўзбекистон" тасвирий ва амалий санъат фестивали, "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали, "Келажак овози" иқтидорли ёшлар танлови, Таълим грантлари, Иқтидорли талабаларга стипендиялар дастурлари, "Style.UZ" Дизайн ва мода ҳафталиги каби тадбирлар жамоатчилик эътиборини қозонди.

Фонд Форум ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда турли лойиҳа ва дастурлари, ижросини таъминлаш юзасидан бир йил ичида 623 та грантга умумий миқдорда 356,945 млн.сўм маблағ ажратди. Шунингдек, жамғарма кўмагида мактабларни капитал таъмирлаш, болалар боғчалари, поликлиникалар ва тиббиёт марказларига 1,250 млрд.сўм сарф этилди.

Жамғарма кўмаги билан "MEROS" Ўзбекистон антикварлари ассоциацияси, "Чемпионлар форуми" спорт комплекси, «Келажак-Тур» халқаро ёшлар туризми ва ҳамкорлиги бюроси, «Kelajak Lingvo» тил маркази каби ижтимоий муассасалар фойдаланишга топширилди.

Айниқса, Қашқадарё вилоятининг Қайнар қишлоғида ўтказилган "Асрлар садоси" фестивалида 45 минг киши иштирок этгани эътиборга сазовордир. Қолаверса, Швейцариянинг Женева шаҳрида "Ўзбек санъати кечаси", Франциянинг Иер музофотида Халқаро мода ва суратқашлар фестивали, Жамғарманинг беш йиллиги муносабати билан викториналар танлови каби лойиҳалар хорижликларда катта таассурот қолдирди.

Декабрь ойида эса маданият, кино, телевидение, радио, эстрада, суратқашлик соҳасида фаолият юритувчи энг иқтидорли инсонларни аниқловчи "M&TVA" танлови ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, якунланган 2008 йил жамғарма учун унумли ва самарали ўтди. Янги йилда тузилган режалар ва вазифалар юртимиз маданияти ва санъати ривожига, ёшлар камолотига хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мутахассисларнинг айтишича, мамлакатимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тизимининг меъёрида ишлашига эришиш орқали экин ҳосилдорлигини 20 фоизга ошириш мумкин. Шу боис жойларда коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш, ариқ-зовурларни тозалаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада дастуриламал вазифасини ўтамоқда.***



# ЕР ҲАМ МЕҲР ИСТАЙДИ

Хоразм вилоятида мазкур Фармон талаблари асосида 2008-2012 йилларга мўлжалланган мелиорация тадбирлари дастури ишлаб чиқилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда. Гап шундаки, бу ерда ер ости сувларининг юзага яқин жойлашгани туфайли майдонларнинг асосий қисми шўрланган, тупроқнинг механик таркиби эса хилма-хил. Бундай шароитда, табиийки, деҳқончилик тақдири суғориш ва зах қочириш тармоқларининг техник ишчи ҳолатига узвий боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, мавжуд мелиорация тармоқларининг меъёрида ишлашини таъминлаш учун енгил тупроқли жойларда икки йилда бир марта, оғир тупроқли жойларда уч йилда бир марта тозалаш ишларини амалга ошириш талаб этилади.

Шуларни ҳисобга олиб, вилоятда ўтган йилда 900 километрдан зиёд коллектор-дренаж тармоқларида таъмирлаш ва тиклаш, тозалаш ишлари бажарилди. 13 та насос станцияси, 50 та кузатув қудуғи қўлдан чиқарилди. Бу мақсадларга бюджет маблағларидан 4 млрд. 206 млн. сўм сарфланди. Шунингдек, фермер хўжаликлари ҳудудидаги 502 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари ҳам тозаланди.

Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини ўз вақтида бажариш мақсадида 5 та ихтисослаштирилган давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Улар томонидан Ҳазорасп туманидаги "Милтиқчи", Боғот туманидаги "Оқкўл", Янгиариқ туманидаги "Таган", Янгибозор туманидаги "Қиличниёзбой", Гурлан туманидаги "Шанги", Урганч туманидаги "Аташев", Хива туманидаги "Эски Қатағон" коллекторларида тизимли таъмирлаш ва

**Фармон ва ижро**

тиклаш ишлари ниҳоясига етказилди.

— Ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда, — дейди Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Қадамбой Қурязов. — Жумладан, ихтисослашган давлат унитар корхоналари 50 та янги экскаватор, 8 та бульдозер, 4 та транспорт трактори, 4 та трайлер, 4 та автокран билан таъминланди. Тез орада яна 5 та гидравлик экскаватор лизинг асосида харид қилинади. Бу йил эса 15 та экскаватор, 4 та бульдозер сотиб олиш режалаштирилган. Бу, ўз навбатида, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланишига, сув таъминотида ижобий ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, воҳа деҳқонлари ўтган йили қўшимча 2,2 минг гектар майдонга буғдой уруғи қададилар. Жорий йил баҳорда эса 3,8 минг гектар майдонга сабзавот ва полиз экинларини экиш мўлжалланмоқда. Ўз навбатида, тупроқ унумдорлигини ошириш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Уни бажариш учун вилоятда имкониятлар етарли. Муҳими, амалга оширилаётган мелиорация тадбирлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, деҳқонлар манфаатдорлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Ерга меҳр кўрсатилса, ирригация тизимининг меъёрида фаолият кўрсатиши таъминланса, қишлоқ хўжалигида ютуқлар янада салмоқли бўлаверади. Буни чуқур ҳис этган фермерлар ва мутахассислар қиш кунларида ҳам дала ишларини жадал олиб бормоқдалар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 6 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 992,75 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2063,48 |
| 1 Дания кронаси | 260,19 |
| 1 БАА дирҳами | 379,78 |
| 1 АҚШ доллари | 1394,90 |
| 1 Миср фунти | 254,20 |
| 1 Исландия кронаси | 11,50 |
| 1 Канада доллари | 1150,43 |
| 1 Хитой юани | 204,32 |
| 1 Малайзия ринггити | 400,83 |
| 1 Польша злотийси | 466,02 |
| 1 СДР | 2148,52 |
| 1 Туркия лираси | 908,61 |
| 1 Швейцария франки | 1291,69 |
| 1 ЕВРО | 2003,22 |
| 10 Жанубий Корея вони | 10,65 |
| 10 Япония иенаси | 151,62 |
| 1 Россия рубли | 47,46 |
| 1 Украина гривнаси | 181,16 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ҲАР БИР БОЛА ЭЪТИБОРДА

**_Мамлакатимизда ҳар бир боланинг меҳр ва эътиборда экани шу кунларда давом этаётган Янги йил байрами шодиёналарида яна бир бор намоён бўлмоқда._**

**Тадбир**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида бўлиб ўтган Янги йил кечасида пойтахтимиздаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам иштирок этди.

— Бу йилги байрам шодиёналари ҳар қачонгидан қизиқарли ва мароқли ўтмоқда, — дейди мазкур Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Барно Жуманиёзова. — Куни кеча биз орзиқиб кутадиган "Президент арчаси" тадбирларида қатнашган эдик. Бугун эса академия ходимлари бизни Янги йил байрамига таклиф этишди.

Ички ишлар вазирлиги академияси тингловчилари ҳамда Республика Ёш томошабинлар театри актёрлари томонидан ташкил этилган театрлаштирилган томоша ва эртак қаҳрамонлари иштирокида улкан арча атрофида бўлиб ўтган концерт дастури болаларда унутилмас таассурот қолдирди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**_Урганч шаҳридаги "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказида ёшлар студияси ва радиоси фаолият кўрсата бошлади._**

# ЗАМОНАВИЙ СТУДИЯ

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди замонавий ускуналар билан таъминлаган ушбу марказда 60 нафар ёш меҳнат қилаётир.

Ёшлар студиясида навқирон авлод ҳаётидан қизиқарли кўрсатувлар тайёрланаётган бўлса, ёшлар радиоси ҳар куни олти соатлик эшиттиришларини эфирга узатмоқда.

**_Жасур ЖУМАНИЁЗОВ,_**
**марказ ходими.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

**_«Ford» автомобилсозлик концерни таҳлилчиларининг кузатишларига кўра, АҚШда 2008 йилнинг декабрь ойида 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан автомобиллар сотиш ҳажми 35 фоизга камайган._**

### Бозордаги танглик



Жумладан, ўтган йили мазкур мамлакат бозорларида жами 13 миллион дона автоулов харид қилинган. 2007 йилда эса бу рақам 16,2 миллион донани ташкил этганди. АҚШда бундай кескин пасайиш сўнгги бор 1974 йилда кузатилган.

Автомобиль бозоридаги салбий ҳолат Европада ҳам рўй берди. Мазкур қитъада машина савдоси 8,2 фоизга камайган.

Умуман, якунига етган йилда дунё бўйича 66,5 миллион дона автомобиль кам сотилган. Бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан олти фоизга пасайганидан далолатдир.

### Қароқчилар қўлга олинди

**_Франция ҳарбий денгиз кучлари Адан кўрфазида сомалилик қароқчилар томонидан иккита юк кемасига қилинган ҳужумни бартараф этган._**

Бу ҳақда «AFP» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Тўқнашувлар вақтида 19 нафар босқинчи қўлга олинган. Франция ҳарбийларининг маълум қилишича, қароқчилардан қутқариб қолинган кемалар Хорватия ва Панама давлатларига тегишлидир.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз, Франция ҳарбийлари 1 январь куни ҳам Панаманинг «С. Венус» номли юк кемасини қароқчилардан халос қилиб, 8 нафар босқинчини ҳибсга олишганди.

### Хунрезлик оқибати

**_«Reuters» ахборот агентлигининг хабар қилишича, Бағдоднинг шимолида кучли портлаш юз берган._**



Хунрезлик аёл кишининг портловчи ускунани ҳаракатга келтириши орқали амалга оширилган. Натижада 38 киши ҳалок бўлган, 55 киши тан жароҳати олган. Қурбонларнинг аксарияти аёллар ва болалардир.

Шу ҳудудда 2008 йилнинг 27 декабрида ҳам портлаш содир этилганди. Ўшанда 20 нафар бегуноҳ инсон қурбон бўлган, 50 нафардан ортиқ киши жароҳатланган эди.

### Кондаги бахтсиз воқеа

**_Донецк вилоятидаги Дзержинский номли конда портлаш юз берди._**

Бахтсиз ҳодиса сабаб саккиз нафар кончи ҳалок бўлган. Юзага келган ёнғин туфайли тўрт ишчи жиддий тан жароҳати олган. Текширишларга кўра, портлаш метан газидан чиққан.

Айни пайтда воқеа юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

### Тадқиқотчилар фикри

**_Тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишларга кўра, гепарднинг ватани — Хитой, деган фикрга келинди._**



Бу маълумот «Proceedings of the National Academy of Sciences» журналида чоп этилди. Унда айтилишича, Хитойнинг шимоли-ғарбида гепард суяги қолдиқлари топилган ва у 2 -2,5 миллион ёшда экани аниқланган.

Таъкидлаш керакки, шу пайтгача бу турдаги жониворлар ватани сифатида Шимолий Америка ҳудудлари эътироф этиб келинаётганди. Лекин айнан Хитойда топилган қолдиқлар замонавий гепардларга яқинроқ экани таъкидланган.

### Афғонистонда зилзила

**_Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмида зилзила содир бўлди._**

Манбада келтирилишича, табиий офат кучи Рихтер шкаласи бўйича олти баллга тенг бўлган. Зилзила маркази Ҳиндикуш тоғидан 190 километр ва Қобул шаҳридан 275 километр узоқликда қайд этилган. Ҳозирча талафотлар ва жабрланганлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Эслатиб ўтамиз, якшанбага ўтар кечаси ҳам шу ҳудудда 5,9 балли ер силкиниши кузатилганди.

**_Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди._**

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



# ЎҒЛОНЛАР КАМОЛИ

**_Ромитан тумани "Зарафшон" маҳалласида истиқомат қилувчи Ғафуровлар хонадони қувончли хабардан яшнаб кетди. Гап шундаки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигидан хонадон соҳиби Жума Ғафуров номига ташаккурнома келди._**

Ушбу ташаккурномада хонадон фарзанди Жўрабек Ғафуровнинг бошқа ҳарбий хизматчиларга ибрат бўлаётганлиги ёзилган. Аслида, ота-она учун бундан ортиқ фахр бўлмаса керак.

— Ўғлим ишончни оқлаётганидан жуда мамнунман, — дейди Жума ака. — Ташаккурномани ўқирканман, эл-юрт корига ярайдиган фарзанд ўстирганимдан фахрландим. Ўғлим ва унинг хизматдош дўстларини Ватан ҳимоячилари куни билан қутлайман!

Бундан тўққиз ой илгари ҳарбий хизматга йўл олган йигитлар орасида Боборaҳим Эргашев ҳам бор эди. Бобораҳим Олот туманидан. Ҳозирда у муддатли ҳарбий хизматни шараф билан ўтаб, бошқа хизматдош дўстларига намуна бўлмоқда.

— Ўғлим Ватан олдидаги бурчини шараф билан ўтаётганлигини эшитиб, жуда қувондим, — дейди аскар онаси, тумандаги 7-олимпия спорт мактаб-интернати ўқитувчиси Гулчеҳра Рўзиева. — Ўғлимнинг олий ўқув юртида ўқиш нияти бор. Ишонаманки, у ҳарбийлар учун берилган имтиёздан фойдаланиб, олий ўқув юртига ҳам, албатта, киради.

— Ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари билан суҳбатлашар экансиз, илиқ сўзларни эшитасиз, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув бўлими бошлиғи, подполковник Шаҳобиддин Хўжаев. — Шу ўринда Президентимизнинг "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳани янада ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳозирда мазкур ҳужжат мазмун-моҳияти юзасидан маҳалла ва ўқув юртларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боряпмиз. Бизни қувонтирган нарса шуки, ота-оналар ва жамоатчилигимиз Қуролли Кучлар учун соғлом, дунёқараши кенг ўғлонлар кераклигини чуқур тушуниб боришмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## ТУЯМЎЙИН ГИДРОУЗЕЛИНИ ИШЛАТИШ БОШҚАРМАСИ

**2009 йилда таъмир ишларини бажариш юзасидан қуйидаги гидротехник иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов (тендер) савдосини эълон қилади:**

1. **Ўзан гидроузели потернасида бетонни «даволаш» ишлари (инъекция усули билан).**
2. **Султонсанжар дамбасининг 40+00 пикетидан 69+70 пикети оралиғида бентонитдан понур қуриш ишлари.**
3. **Тупроқ тўғонидаги бўшлиқларни тўлдириш учун чамалаб бурғулаш ишлари.**
4. **Пъезометрик сув сатҳини ўлчаш тизимларини таъмирлаш ишлари.**
5. **Муҳандислик ҳимоя дамбалари (3 — 7)нинг юқори бетон қияликларидаги чокларни таъмирлаш ишлари.**

**_Таъмирлаш ишларининг бажарилиш муддати — 2009 йил 31 декабргача._**
**_Буюртмачи — Туямўйин гидроузелини ишлатиш бошқармаси._**

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, бажармоқчи бўлган иш қийматининг камида 20 фоиз миқдорида бўш айланма маблағига (захирадаги таъмирлаш учун керакли бўлган материаллар билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси, молиявий имкониятлари ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Тендер савдосида ғолиб чиққан ташкилотлар гидротехник иншоотлар Туркманистон давлати ҳудудида жойлашганлиги сабабли чегарадан ўтиш учун шу давлатнинг махсус рухсатномасига эга бўлишлари зарур.

**Оферталарни қабул қилиш тендер савдосини ташкил қилувчилар томонидан қуйидаги манзилда амалга оширилади: Хоразм вилояти, Питнак шаҳри.**
**Тел./факс: (8-362) 30-54-906. E-mail: tuyamuyn@rol.uz**
**_Тендер ҳужжатларини эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг бир ой ичида олиш мумкин._**

1853R/1931


### ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧИ

Нурота туманининг Янги турмуш қишлоғида истиқомат қилувчи Аваз ва Маҳбуба Бердиевлар оиласи Янги йилни хурсандчилик билан қарши олишди. Гап шундаки, уларнинг оиласида бир йўла учта фарзанд туғилди. Ҳасан, Фотима ва Зуҳралар алоҳида эътибор билан парвариш қилинмоқда. Чақалоқларга туман ҳокимлиги ҳамда хотин-қизлар қўмитаси болалар аравачаси, иссиқ кийим-кечак ва гўдаклар учун зарур бўладиган бошқа анжомлар ҳадя қилди. Шунингдек, қишлоқда яшовчи тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам уларга ўз совғаларини тақдим этдилар.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ.**


**ООО "Росагропромснаб" предлагает:**

## СЧЕТЧИКИ ГАЗА

**ультразвуковые "Гобой-1"**

**Цена - от 1 365 000 сум.**



ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО ТЕПЛОПРИБОР

| Ду, мм | Типоразмер | Мин. расход, Qмин, м³/час | Максим. расход, Qмин, м³/час |
|---|---|---|---|
| 25 | G10 | 0,16 | 16(25) |
| 40 | G25 | 0,40 | 40(65) |
| 65 | G65 | 1,00 | 100(160) |

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров.

Товар сертифицирован

**Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90**
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток "Шухрат")

1780Н/1607






1810R/351






**Мамлакатимизда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши муносабати билан барча тадбиркор ва ишбилармонларни ҳамкорликка таклиф этади, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришга ва турмуш даражасини янада оширишга ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Пахтабанк»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Танловнинг асосий шартлари**

1. **Лойиҳа мақсади:**
 * қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлаш;
 * чорвачилик маҳсулотлари, шу жумладан, сут ва гўштни қайта ишлаш.
2. Лойиҳа қиймати — мижоз буюртмаси асосида.
3. Лойиҳани молиялаштиришга ажратиладиган кредитнинг миқдори — 500 млн. сўмгача.
4. Ташаббускорнинг лойиҳадаги улуши лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.
5. Кредит таъминоти кредит миқдорининг 120 фоизидан кам бўлмаган ҳолда, лойиҳа асосида сотиб олинадиган технологик ускуна таъминот сифатида қийматининг 70 фоизи миқдоригача қабул қилинади.
6. Лойиҳанинг қоплаш муддати 5 йилдан ошмаслиги ҳамда замонавий технологик ускуналарга асосланган бўлиши лозим.

**_Қуйидаги жиҳатларга эга бўлган инвестиция лойиҳалари алоҳида устуворликка эга:_**
* экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган, замонавий ва мослашувчан минитехнологияларга асосланган лойиҳалар;
* энг арзон маҳсулот таннархига эга бўлган лойиҳалар;
* лойиҳа ташаббускорининг ушбу соҳада юқори малакага эгалиги;
* қилинган инвестицияга нисбатан яратилган иш ўринлари сони юқори бўлган лойиҳалар.

**_Танловда иштирок этиш учун «Пахтабанк»нинг барча филиалларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилади:_**
* танловда иштирок этиш учун ариза;
* корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботлари;
* лойиҳанинг мақсади, стратегияси, технологик ускуна, хом ашё базаси, лойиҳа ташаббускорининг мавжуд имкониятлари ҳамда рақобатчилардан устунлик тарафлари, маркетинг тадқиқотлари кўрсатилган техник иқтисодий асос;
* кредит таъминотига таклиф этиладиган мол-мулклар тўғрисида маълумот.

**Танлов шартларига тўлиқ жавоб берган лойиҳаларга «Пахтабанк» томонидан имтиёзли фоизлар асосида кредитлар ажратилади.**

Танловда иштирок этиш учун аризалар «Пахтабанк»нинг барча ҳудудий филиаллари томонидан қабул қилинади.

**Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-85-23, 150-53-57.**

# Ёшлик энг гуллаган чоғимда

2008 йил давомида умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 364 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1 минг 875 та мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

*Навқирон ўғил-қизлар — эл-юртнинг фахру ифтихори, эртанги ёруғ истиқболимизнинг муносиб ворисларидир. Улар забт этган марралар, турли спорт анжуманлари ва халқаро тадбирларда йигит-қизларимиз эришган ютуқ ва муваффақиятлар сабаб қалбимизда ғурур ва ифтихор ҳислари жўш урди. Бинобарин, 2008 йил — Ёшлар йилида Тошкентда бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларининг кимё фанидан Халқаро Менделеев олимпиадасида миллий терма жамоамиз умумжамоа ҳисоби бўйича биринчи ўринга муносиб деб топилди. Қолаверса, юртимиз ёшларининг Испанияда 97 мамлакат вакиллари орасида ўтказилган математика олимпиадасида 4 та совринли ўринни эгаллашга муваффақ бўлганликлари қувончимиз учун етарли асос бўла олади. Бундай оламшумул муваффақиятларни кўплаб мисол келтириш мумкин. Зеро, Ўзбекистон ёшлари ўзларига билдирилган юксак ишонч, беқиёс ғамхўрлик ва самимий меҳрга жавобан, улкан марраларни забт этишга бел боғлаган ва айни дамда бунинг уддасидан чиқаётган шижоатли йигит-қизлардир. Янги 2009 йилда ҳам "Энг гуллаган ёшлик чоғимда" саҳифаси орқали ана шундай истеъдодли ёшларнинг орзу-ниятлари, ўй ва мулоҳазалари билан диллашиш давом этади.*

*Кечагина касб-ҳунар коллежини тамомлаган Адолат Ҳимматова кредит сўраб, АТБ "Микрокредитбанк"нинг Шўрчи тумани амалиёт бўлимига қарашли минибанкка мурожаат қилди. Унинг банкка тақдим этган бизнес режаси пишиқ-пухталиги боис, мутахассислар ёш тадбиркорга ишонч билдиришди. Шундан сўнг Адолат микрокредит олиб, маблағнинг бир қисмига тикув машинасини харид қилди. Қолган пулга газлама сотиб олди ва уйида — ўз дарсхонасида очган мўъжазгина цехида иш бошлади.*

## АДОЛАТНИНГ ШИЖОАТИ

Маҳаллада Адолатни қўли гул чевар, дейдилар. Моҳир чевар ўз дизайнлари асосида тиккан кийимлари харидорларга маъқул бўлаётганидан бениҳоя хурсанд. Қувончига сабаб шуки, ёш тадбиркор олти ой мобайнида 2 миллион 70 минг сўмлик маҳсулотни сотувга чиқарди. Банк олдидаги мажбуриятини ўз вақтида бажариб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришда асқотадиган қўшимча сармоя орттиришга ҳам улгурди.

— Кредитни расмийлаштириш мобайнида Адолат банкимиз билан ҳамкорлик қилаётган тадбиркорларнинг иш тажрибасини синчиклаб ўрганди, — дейди банк раҳбари Бекпўлат Ашуров. — Масалан, якка тартибдаги тадбиркор Муҳаббат Нишоновага берган кредитимиз ҳам кўп эмасди. Улар икки киши бўлиб, тикувчиликни бошлашганди. Сўнгроқ эса Муҳаббат сингилларини, қўшни қизларни қаватига тортди. Цех фаолиятини кенгайтирди, маҳсулот турини кўпайтирди. Цехда ҳозир ўн нафар қиз ишлаяпти. Яна уларнинг ҳар

**Ғамхўрлик**

бири икки нафардан шогирдга ҳунар ўргатмоқда.

— Банкимиз икки йил ичида 170 нафар тадбиркорга 272 миллион сўм микрокредит ажратди, — дейди суҳбатдошимиз. — Натижада, 250 та иш ўрни яратдик. Эътиборли томони шундаки, бугун ишли бўлган, тадбиркор сифатида фаолият бошлаган ёшларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизлардир.

Суҳбатимиз тугамасидан икки нафар ёш йигит бу ерга бизнес-режа билан кириб келди. Кечаги ўқувчилар — кўнгилларида меҳнат ва яратувчанлик иштиёқи ила мустақил иш бошламоқчилар. Маълум бўлишича, бу азамат йигитлар ўзлари яшаб турган маҳаллада темирчилик устахонасини очишмоқчи экан.

Муассасада "Ишлайман, аниқ мақсадим ва режам бор", дея мурожаат қилиб келувчи ана шундай ёшларни кўплаб учратиш мумкин. Уларнинг қадам олишлари дадил, мақсадлари аниқ. Бошланғич сармоя эса интилувчан бу ёшларнинг эзгу орзулари рўёбга чиқишида беминнат кўмак ва таянч вазифасини ўтамоқда.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган кезида Дурдона 23 ёшда эди. Орадан бир йил ўтар-ўтмай, иқтисодчи мутахассислигини амалда қўллаш имконияти туғилди. Пойтахтлик бу тадбиркор қиз Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган "Ёш тадбиркор аёллар" танловида ғолиб деб топилиб, грант соҳиби бўлди.

## МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР ЖОЗИБАСИ

Қизим шундан сўнг тўй ва оқшом либосларини тикиш ҳамда ижарага беришга мўлжалланган салон фаолиятини йўлга қўйди, — дейди Дурдонанинг онаси Шаҳноза опа Мансурова. — 2008 йилдан бошлаб салонимизда мижозлар хоҳишига қараб, ўзимизда ишлаб чиқарилган ипак газламалар, қолаверса, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Италия ва Франциядан келтирилган матолардан либослар тикишни йўлга қўйдик. Қизим оиласида келинлик бурчини адо этиш, фарзанди тарбияси билан шуғулланишдан ташқари, ҳафтасига 15 донадан ортиқ либосни тикиб битказади. Салоннинг молиявий ишларини юритиш, ишчиларга ҳақ тўлаш, мижозларга қўшимча имтиёз ва қулайликлар яратиш, иш фаолиятимизни кенгайтириш ишларига ҳам Дурдона бош-қош. Биз ҳамиша унинг шижоати ва ғайратига таяниб ишлаймиз.

**Ибрат**

Тадбиркорнинг эндиги мақсади юртимизда яратилган тўй ва оқшом либослари ҳам худди хорижнинг машҳур мода уйларининг қимматбаҳо дизайнлари сингари жаҳон миқёсида танилишига ҳисса қўшишдир. Бу ҳақда унинг ўзи тўлқинланиб дейди:

— Гарчанд ибою ҳаёдан асар бўлмаса ҳам, аксарият кўйлакларни Европада ишлаб чиқарилганлиги учун кўзга тўтиё қилиб, эгнимизга иламиз. Нега? Ўзимизнинг миллийликка йўғрилган, табиатимизга мос либосларимиз улардан юз карра зиёд эмасми? Бу ҳақиқатни истеъдодли модельер-дизайнерларимиз исбот этиши керак. Масалан, ўзим бошқараётган салонни олайлик. Бу ерда замонавий моделлардан ташқари, ипак матоларга зеб бериб тикилган либослар истаганча топилади. Шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, мижозларимиз Европа услубидаги кўйлаклардан кўра, миллийлик ва замонавийлик уйғунлигидаги маҳсулотларга кўпроқ қизиқиш билдиришмоқда. Улар бежиримлиги, қулайлиги ва энг муҳими, сифати юксак, нархи арзонлиги билан аҳамиятлидир. Мақсадимиз, келгусида жаҳон миқёсида ҳам бу борада эътибор қозонишга эришишдир.

**Ойдиной ҲАКИМОВА.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

## БЕБАҲО ФАСЛ

***Юртбошимиз биз, ёшларни буюк келажакнинг бунёдкорлари, дея кўп таъкидлайдилар. Бундай юксак ғамхўрлик самараси ўлароқ, бугун турли соҳаларда иқтидорини намоён этаётган ёшлар сафи ортиб бормоқда.***

Аммо бир нарсани унутмайликки, ҳаёт ҳеч қачон бир маромда давом этмаган. Юртимиз қанчадан-қанча сурonли йилларни бошдан ўтказди. Машъум қатағонлар, зулмлар авжига чиққан пайтда бу мусибатлар даврнинг илғор ёшларини ҳам четлаб ўтмаган. Улар ўзбек халқининг ўз давлати бўлишини азалдан орзу қилишган. Аждодларимиз бир умр орзу қилган, ҳар қанча интилса-да, етолмаган кунларга биз навқирон ёшимизда эришиб турибмиз. Бундан ортиқ саодат бормикин?!

Бугун умримизнинг ёшлик деб аталмиш энг гўзал онларида яшаётган эканмиз, унинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш ўзимиз учун наф. Эгаллаган илмимиз ва эришган ютуқларимизга дунё лол қолсин. Кези келганда, кўнглимдан кечаётган фикрларни сиз билан ўртоқлашгим келди, азиз тенгдош.

Гап шундаки, мумтоз адабиётимизнинг улуғ намоёндалари — Навоий, Бобур асарларидан бебаҳра қолаётган, миллий мусиқа санъатимизнинг мумтоз намуналарини хушламайдиганлар орамизда йўқ эмас. Нима учун биз юксак инсоний туйғулар тараннум этилган ижод намуналаридан кўра, енгил-елпи, ёлғон-яшиқ, ярим яланғоч хорижий "асар"ларни маъқул кўраяпмиз? Ёки миллий адабиётимиз ва санъатимиз эскириб қолдими?

**Дил сўзи**

Дейдиларки, Суқрот шогирдларига дарс ўтаётганида, ногаҳон кўҳликкина бир жувон унга дебди:

— Ҳой Суқрот, бу бояқишларни бунча қийнаб, миясига нималарни қуяяпсан?! Ҳозироқ вайсашни бас қил, йўқса, бир жилмаяман, уларнинг ҳаммаси сени ташлаб, ортимдан эргашади.

Шунда Суқрот дебди:

— Тўғри айтасан, сен бир кўз сузсанг, бас, улар ёнингда парвона бўлишади. Чунки сен уларни тубанликка етаклайсан. Пастга кетиш доимо осон. Мен эса уларни юксакка чорлайман. Юқорига чиқиш эса ҳамиша мушкул.

Гап шундаки, ёшлар қалбига неки пайванд қилинса, униб чиқиб, мева беради. Бугун ёшлар юрагига Навоий асарларидаги олижаноб туйғулар, инсонпарвар ғоялар кириб бормайдиган бўлса, уларнинг ўрнини хориждан кириб келаётган турли хил ахлоқсиз ғояларни тарғиб қилувчи "асар"лар эгаллаб олади. Яшириб нима қилдик, ҳозир уларнинг бозори чаққон.

Президентимизнинг: "Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин", деган сўзлари бизни эртаю кеч ҳушёрликка ундаб туради. Зеро, илдизи тарбия, ахлоқ-одоб дарёсидан сув ичган бундай мукаммал асарлар ёшларимизни ёт ғоялардан асровчи мустаҳкам қалқон бўла олади. Қолаверса, юксак маънавиятли халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

**Элбек ЖУМАНОВ.**

***Бу қизалоқнинг исм-шарифи Ҳадича Имомназарова. У пойтахтимиздаги 102-мактабнинг иккинчи синфида ўқийди. Ҳадича юртимиз мустақиллигининг 17 йиллик тантаналари чоғида "Янги авлод" деган қўшиғини куйлаб, кексаю ёшнинг эътиборини қозонганди.***

## Парижда янграган қўшиқ

Қизалоқнинг санъатга қизиқиши ўзгача бўлган. Ўшанда у икки ёшда эди. Онасига қўшилиб, маҳалладаги тадбирга борганда, саҳнада ўзидан икки-уч ёш катта қизалоқ "Лазги"га рақс тушаётганини кўрди. Шунда Ҳадича ҳам беихтиёр унинг ёнига чиқди-да, қўлчаларини силкитиб, ўйнай кетди. Унинг бу ҳаракати шу заҳотиёқ барчанинг эътиборини тортди, уни "Онанг ўргилсин", дея суйиб-эркалашди.

Ҳадичага бугун жаҳон миқёсида ўтказилаётган турли фестиваллардан таклифлар тушмоқда. Ахир жажжи Ҳадича бундан икки йил аввал Қирғизистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари болаларининг ижодий фестивалида мутлақ ғолибликни қўлга киритганди-да. Сўнг "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг Москвадаги ваколатхонаси очилиши маросимида юртимиздаги бир гуруҳ иқтидорли ёшлар қатори Ҳадича ҳам ўз санъатини намойиш этди. 2007 йилнинг апрель ойида у Париж сафарида бўлиб, хорижликларни яна бир карра лол қолдирди. Қизалоқ "Фонд форум"нинг машҳур Лувр мажмуасидаги тадбирларида барчамиз севиб тинглайдиган "Дўппи тикдим..."ни хониш қилганида, фаранглар "Офарин!" деб юборишди.

**Истеъдод**



Айни пайтда, Ҳадича қўшиқ куйлабгина қолмай, дутор ва чанг созларини маромига етказиб чала олади. Бўш вақтида эса расм чизади, рақс тушади. У билан шахмат ўйнасангиз, "мот" қилиши ҳеч гап эмас.

— Ҳадича беш ёшидан мусиқа мактабига бориб, созандалар қўлида таҳсил олиш билан бирга, ўқиш ва ёзишни ўрганиб олди, — дейди унинг онаси Мавжуда Имомназарова. — Ҳадича ҳозирданоқ дунё кўрди.

— Беш ёшимда Лас-Вегасдан таклифнома юборишганди, — дейди Ҳадича. — "Синдерелла" деб номланган танловда қатнашишимни эшитиб, жудаям хурсанд бўлгандим. Бундан ташқари, яна ўндан ортиқ танловларда иштирок этиб, бош мукофотларни қўлга киритдим. Ҳозир, қай бирини айтсам экан-а, "Янги авлод", "До ми соль", "Мини мисс", улар кўп-да...

Яқинда уни интернет орқали бутун дунё болалари ижодий фестивалига таклиф қилишибди. У ерга бориб, "Дўппи тикдим..."ни инглиз тилида куйламоқчи...

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**

## Дўппи тикдим...

***Болалигимда сочлари майда ўрилган, ярқираган атлас кўйлагию бошда дўпписини кўз-кўз қилиб рақс тушган қизларга жуда ҳавасим келарди. Вақт ўтиб, ақлимни танигач, ана шундай бежирим дўппиларни ўз қўлим билан тикишни истадим. Дўппидўзлардан ипакларга жило беришни, матога турфа гуллару қушлар тасвирини туширишни ўргандим. Бора-бора "Чуст", "Ироқи", "Сетора", "Пахтаободгули" нусхадаги дўппиларни тика бошладим.***

Билишимча, илгарилари дўппидўз момоларимиз, оналаримизга осон бўлмаган экан. Шукрки, бугун ҳаммаси бошқача. Ҳунаримизни ишга солиб, яратган маҳсулотимизни ҳеч бир тўсиқсиз сотиш, истасак, ишимизни кенгайтириб, корхона очишимиз ҳам мумкин. Бундан ташқари, турли кўрик-танловлар, кўргазмалар, айниқса, "Ташаббус", "Келажак овози", "Йил аёли" каби нуфузли танловларда қатнашиб, грантларни қўлга киритишимиз мумкин.

**Қадрият**

Дўппидўзликда ўрганганларимни бойитиб, янгича нақш ва шакллар ўйлаб топганман. Яқин орада шундай танловларда қатнашиш ниятим йўқ эмас. Ҳозир мендан ҳунар сирларини ўрганаётган саккиз нафар шогирдим бор. Ҳафтасига ўттизтадан зиёд дўппи тикамиз. Мақтанмоқчи эмасман-у, "Яхши ҳунарманд остона ҳатламайди", деганларидек, тиккан дўппиларимни ҳали елими қуриб улгурмасидан мижозлар нақд пулга олиб кетишади. Ҳар сафар бир харидор ортидан бошқаси кириб келаверади. Қўл-қўлга тегмай тикишда давом этаман. Ниятим битта: қайга бормайлик, миллий бош кийимимиз — ҳар бир нақши эзгу фалсафа, ўзига хос маъно англатувчи нафис дўппиларимизни кўриб, ҳамма бизнинг юксак дидимиз, маданиятимиз, бой меросимиз ҳақида илиқ таассуротга эга бўлсин.

**Назокат ТОШМАТОВА.**
Пахтаобод тумани

## Мен англаган ҳақиқат



***Ёшлар йили мен учун омадли келди. Мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фанидан ўтказилган 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида мезбон юрт терма жамоаси аъзоси сифатида иштирок этдим ва олимпиаданинг кумуш медали соҳиби бўлдим.***

Жаҳоннинг ўн олти мамлакатидан келган олимпиада иштирокчилари юртимизда биз ёшлар учун яратилган имконият ва шарт-шароитларга ҳавас билан боққанида, бениҳоя фахрландим. Яна бир бор Истиқлол фарзанди эканлигимдан, Ўзбекистондай бебаҳо заминда туғилиб камол топиш бахтига муяссар бўлганимдан ифтихор ҳиссини туйдим. Бу ғурур мени беллашув мобайнида бир зумга ҳам тарк этгани йўқ.

**Фахр**

Олимпиаданинг маданий тадбирлари доирасида Самарқанд шаҳрига бордик. Айниқса, Мирзо Улуғбек расадхонасида бўлган чоғимиз украиналик, россиялик, болгариялик тенгдошларимнинг китобларда доврўғи мадҳ этилган бу қадимий иншоотни ўз кўзлари билан кўриб, ҳаяжонлари юз чандон ортганини сездим. Улар Самарқанддаги лицей ва коллежлар учун қурилган муҳташам биноларни кўриб, бундай ўқув даргоҳларида таълим олиш учун ота-онангиз катта пул тўлашса керак-а, дея савол беришарди. Давлатимиз, Юртбошимиз ғамхўрлигида шундай замонавий, кўркам ўқув масканларида бепул ўқишимизни эшитгач, янада ҳаваслари ортди.

Беқиёс ғамхўрлик ва меҳр оғушида яшаётганлигимиз, пухта билим эгаллаётганимиз бизнинг чиндан ҳам бахтиёр фарзандлар эканлигимизни англатади. Айниқса, шундай нуфузли беллашувларда ўз билимингни бошқалар билан солиштирсанг, нималарга қодирлигингни янаям теранроқ ҳис этсанг, буларнинг барига ким ёки нима туфайли эришмоқдаман, дея ўз-ўзингга савол бера бошларкансан. Бундан буён ҳам юксак ишонч ва эътиборга, беминнат ғамхўрликка жавобан, янада улкан марраларни забт этишни, кимё илмини чуқур ўрганиб, изланишлар олиб боришни, фанимизни янги тадқиқотлар билан бойитишни дилга тугиб қўйдим.

**Равшан МИРЗАЕВ,**
**Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси.**

## Интилганга толе ёр

Ота-онам доимо меҳнат қилган кам бўлмайди, нимагаки эришмоқчи бўлсанг, фақат ҳаракат ва интилишинг натижасида мақсадга етасан, дейишади.

**Ифтихор**

Ана шу ақидага амал қилиб, изландим, интилдим, билим чўққиларини забт этмоққа бел боғладим.

Ҳозир Нукус давлат педагогика институтида таълим олаяпман. Ўқитувчилик касбини танлаганим боис, хорижий тилларни ҳам пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилдим. Немис ва рус тилларида эркин мулоқотга кириша оламан, айни пайтда эса инглиз тилини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилаяпман. Институтда юқори рейтинг натижаларини қўлга киритиш билан бир қаторда, фаол талабаларнинг илмий-амалий анжуманларида мунтазам иштирок этиб келаман, маданий-маърифий мавзудаги мақолаларим билан матбуотда тез-тез чиқиш қилиб тураман. Бундан ташқари, ижодий имкониятларимни ишга солган ҳолда, таълим-тарбияни янгича педагогик технологиялар асосида йўлга қўйиш борасида илмий тадқиқотлар олиб бораяпман. Келгусида мактабгача таълим муассасаларида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган қатор ташаббусларимни амалиётга татбиқ этмоқчиман. Айни пайтда "Ўзбек оиласида неваралар шахсини шакллантиришга оид тарбия масалаларининг ўзига хос хусусиятлари" мавзусида илмий иш олиб бораяпман.



**Мавлуда СОБИРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси танлови ғолиби.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 50430 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.15 8